
ВИЛОЯТИМИЗНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИНИ БАРПО ЭТИШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШАЁТГАН ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН БАЙРАМ ТАДБИРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Фарғона шаҳридаги “Файз” тантаналар мажмуасида вилоятимиз қурилиш соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган, моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотлар вакиллари учун тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ҳамда вилоят секторлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Хайрулло Бозоров йиғилганларни кириб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этиб, вилоятимиз қурувчилари амалга оширган ишлар ўтаётган йилда республика бўйича намуна бўлганига, келаётган йилда бундан ҳам юқори марраларни кўзлаш кераклигига эътибор қаратди.

Вилоят ҳокими қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти, Давлатимиз раҳбари томонларидан уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш масаласига қаратилаётган катта эътиборнинг аҳамияти борасида ўз фикрларини билдирди.

“Қайси жойда янги қурилишлар бўлса, қайси ерда кўкаламзорлаштириш, ободончилик бўладиган бўлса, ўша ерда яшаётган одамларнинг кайфияти юқори бўлади, руҳияти баланд бўлади. Бундай муҳитда ўсаётган фарзандларимиз ҳам гўзал хулқли, яхши тарбияли бўлиб етишади”, - деди Хайрулло Бозоров.

Даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга Давлат бюджетидан субсидиялар ҳажми келгуси йилда бу йилгига нисбатан икки баробар кўпайишини айтиб ўтган вилоят ҳокими, 2022 йилда вилоят бўйича 500 та кўп қаватли турар-жой қуриш лозимлигини қайд этди.

Вилоят раҳбари қурилиш соҳасидаги тендерларда инсон омили йўқолаётганини, тизимда адолатни, шаффофликни таъминлаш, коррупцияни йўқотиш асосий мақсадга айланганини айтиб, Фарғона вилояти қурилишлар кўлами ва сифати билан бирга соҳада ҳалол рақобат тадбиқ этилгани билан ҳам намуна бўлиши кераклигини таъкидлади.

Шундан сўнг 2021 йил давомида юқори муваффақиятларга эришган, самарали ва фидокорона меҳнатлари билан вилоятимизнинг янги қиёфасини барпо этишга салмоқли ҳисса қўшаётган бир гуруҳ қурилиш соҳаси фидойилари вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ва совғалари билан тақдирландилар.

Вилоятимиздаги таниқли санъаткорлар иштирокида ташкил этилган концерт дастури эса йиғилганларга янада кўтаринки кайфият бағишлади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-29 08:19:08